



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 9 ноябрь, № 231 (9126)

Якшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли соғлиқни сақлаш тизими ходимлари!

Ушбу кутлуг айёмда халқ саломатлигининг посбонлари бўлган сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган касб байрамингиз — Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни ихсоз этаман.

Ҳаммамизга аёнки, сиҳат-саломатлик ҳар бир инсон, бутун жамият учун бебаҳо бойлик, улуг неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодир эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг **“Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил, Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил”**, деган ҳикматли даъвати айнан сизлар каби жонкуяр ва фидойи инсонларга бағишланган, десак, адашмаган бўламиз.

Биз сизларнинг Янги Ўзбекистонда янги тиббиёт тизимини ривожлантириш йўлидаги самарали фаолиятингизни юксак қадрлаймиз ҳамда шарафли ва масъулиятли меҳнатингиз учун эл-юртимиз номидан самимий ташаккур билдирамиз.

Азиз шифокорлар!

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилангани сизларга яхши маълум, албатта.

Бу ҳақда сўз юртганда, кейинги йилларда давлат бюджетидан тиббиёт соҳаси учун йўналтирилаётган маблағлар

ҳажми 6 карра оширилгани, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти тубдан яхшиланганини таъкидлаш лозим. Тиббий хизматлар аҳолига янада яқинлаштирилиб, сифатли тиббий хизматлар маҳаллагача туширилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Масалан, илгари фақат пойтахтда кўрсатилган 400 дан зиёд юқори технологик тиббий хизматлар ҳозирги вақтда вилоят ва туманларнинг ўзида ҳам амалга оширилмоқда.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича халқаро тажрибага асосланган янги модел жорий этилмоқда. Қисқа муддатда худудларимизда 490 та муассаса қайта ташкил этилиб, юридик мақомга эга бўлган 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларимизнинг натижасидир.

Юртимизда 2017 йилдан буён оналар ўлими кўрсаткичи 21 промилледан 11 промиллгга, гўдақлар ўлими эса 11,5 промилледан 7,8 промиллгга камаيгани ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарасидир.

Жорий йил биринчи марта давлат тиббиёт муассасаларига робот технологиялари кириб келди. Ўтаётган йилда тиббиётни рақамлаштириш ишлари бутунлай янги босқичга кўтарилди.

Соҳада DMED ягона электрон ахборот платформаси ишга туширилиб, унга 36 миллион нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилди. Вазирлик тизимида “Рақамли соғлиқни сақлаш” маркази очилди.

Сунъий интеллект асосида бажари-

лаётган тиббий текширув ва муолажанинг турлари 43 тага етди.

Тез тиббий ёрдам хизматида қақирқларни электрон бошқариш тизими ўрнатилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Давлат тиббий суғурта механизмларини жорий этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Тиббиётда хусусий сектор улуши ортиб бормоқда. Ўтган саккиз йилда юртимизда хусусий клиникаларнинг сони 3,5 мингтадан 9 мингтага, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари эса 50 тадан қарийб 130 тага етгани бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимиз фармацевтика бозорида миллий маҳсулотларнинг ҳажми кўпайиб, 2017 йилдан буён ишлаб чиқариш 1,4 триллион сўмдан 6,3 триллион сўмга, экспорт миқдори эса 6,3 миллион доллардан 250 миллион долларга ўсди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида мавжуд учта олий ўқув юрти негизига Тошкент давлат тиббий университети ташкил этилди. Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Самарқанд давлат тиббиёт университети нуфузли халқаро “Times Higher Education” (THE) рейтингидан жой олди. Халқаро аккредитациядан ўтган тиббиёт олий таълим муассасаларининг сони 8 тани ташкил этмоқда.

Бу йил 300 нафарга яқин мутахассисларимиз ўнлаб ривожланган хорижий мамлакатларда ўз билим ва малакасини ошириб келди.

Юртимиз аҳолисининг турмуш шароитлари яхшиланиб, ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайга-

нида сиз, ўз касби ва хизмат вазифасига содиқ, заҳматкаш соҳа ходимларининг муносиб ҳиссангиз бор, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хурматли шифокорлар!

Бугунги кунда биз ўз олдимизга қўйган улкан марраларга эришишда халқимизнинг тинчлиги ва соғлигини асраш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки тинчлик ва соғлиқни мустаҳкамлаб, ўз куч ҳамда имкониятларига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва миллат эзгу мақсадларига албатта эришади.

Сиз, азизлар бундан буён ҳам бой билим ва тажрибангиз, малака ва маҳоратингиз билан соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, Ўзбекистон тиббиётининг шонли анъаналарини изчил давом эттириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини ўзлаштириш учун янада катта куч-гайрат билан меҳнат қиласиз деб ишонаман.

Ўз навбатида, соҳа ходимларининг хизматларини муносиб қадрлаш, улар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бериш масалалари бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, иш фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



«C5+1» формати:

ХАВФСИЗЛИК, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҚАТЪИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Марказий Осиё умумий эътибор марказига айланиб, барча жаҳон куч марказлари минтақадан ўз манфаатларини қидиришга интилаётган бир пайтда АҚШ ва Марказий Осиёнинг бешта давлатини бирлаштирган “C5+1” формати хавфсизлик, инвестициялар ва барқарор ривожланиш масалаларини муҳокама қилишда муҳим платформага айланди. Куни кеча Вашингтонда бўлиб ўтган мазкур форматдаги иккинчи саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотни ривожлантиришда янги босқични бошлаб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Нуктаи назар

Саммитда “C5+1” формати доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида давлатимиз раҳбари қатор ташаббусларни илгари сурди. Аввало, иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштирилган доимий фаолият юритадиган Котибиятни таъсис этиш таклиф қилинди. Доимий котибиятнинг ташкил этилиши “C5+1” форматидаги ҳамкорликка тизимлилик ва барқарорлик бағишлайди. Ҳар бир саммитдан кейин эришилган қелишувларни амалга ошириш, уларни назорат қилиш ва янги лойиҳаларни тайёрлаш учун мутасадди орган пайдо бўлади. Мамлакатлар ўртасидаги доимий мулоқотни йўлга қўйиш, информация алмашиш ва ўзаро мувофиқлашувни осонлаштиради. Котибият минтақавий ҳамкорликни узок муддатли стратегик нуктаи назардан ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Иккинчидан, давлат идоралари, компаниялар ва молия институтлари ўртасида тизимли мулоқотни таъминлаш мақсадида вазирлар даражасида Инвестициялар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш муҳимлиги қайд этилди. Бу кенгаш давлат идоралари, хусусий сектор ва молия институтлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Бу эса инвестицияларни жалб қилиш, савдо айланмасини ошириш ва янги тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шароит яратади. Савдо ва инвестициялар билан боғлиқ муаммоларни, тўсиқларни ва бюрократик жараёнларни тезкорлик билан ҳал қилишга ёрдам беради. Минтақа мамлакатларининг инвестициявий сиёсатларини мувофиқлаштириш, умумий стандартларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Учинчидан, “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” жамғармасини ишга тушириш долзарб экани таъкидланди. Ушбу жамғарма минтақадаги йирик ва муҳим лойиҳаларни молиялаштириш учун янги манба яратади. Бу, айниқса, хусусий секторнинг инвестиция киритишига имкон бермайдиган ёки юқори хавфли бўлган лойиҳалар учун муҳим. Жамғарма минтақа мамлакатларининг иқтисодий интеграциясини оширишга хизмат қилади, чунки улар биргаликда инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга оширишда қатнашади. АҚШ компаниялари ҳамда молия институтларининг бу жамғармага жалб этилиши, минтақада кўпроқ Америка инвестицияларининг киритилишига олиб қилиши мумкин.



Соғлиқни сақлаш тизими:

Янги Ўзбекистон ислохотларига хос ва мос янгиликлар



Соғлиқ — энг катта бойлик, дейди донишманд халқимиз. Дафъатан, бу сўзлар бироз баландпарвоз туюлар. Аммо саломатлигидаги ноқислик сабаб оғриқдан тунлари ухломмай чиққан ёки ҳаётда юз берган бир кўнгилсизлик оқибатида ночорлик, ожизлик, ногиронлик чоғига тушган инсон бу бойлиқнинг қадрни, баҳоси нақадар баланд эканини теран англайди.

Соғлом инсонгина ҳаётда ўзини тўла бахтли ҳис эта олади. Унинг қалбида олам мунавварлигию тиниқ тонглр жилоси бор нафосати, бетакрорлиги билан намён бўлади.

Мамлакатимизда инсонларнинг ана шундай саодатда умргузаронлик қилиши, соғлом ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Муносабат

Юксак ишончнинг ёрқин ифодаси

Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференциясининг тарихий 43-сессияси давом этмоқда. 4500 нафардан ортиқ иштирокчилар қатнашаётган бундай нуфузли анжуманнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани ташкилотга аъзо 190 дан ортиқ давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга юксак ишончнинг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Қолаверса, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд каби тарихий кентларимиз ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида бўлиши катта ифтихордир.

ЮНЕСКО ўз дастурлари ва маданий конвенциялари орқали умумий меросни тушунишга ёрдам беради ҳамда



чегаралар бўйлаб мулоқотларни ривожлантиради. Унинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган объектлар сони ортиб бораётгани бу жараёни яққол акс эттиради. Одамлардаги фарқларга қарамай, ҳурмат билан муносабатда бўлишга имкон берадиган қадриятлар, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш глобаллашув жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзаро манфаатдорлик, барқарор динамика ва қўшма имкониятлар сари

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари бугунги кунда изчил мустаҳкамланиш ва сифат жиҳатдан юксалиш босқичини бошдан кечирмоқда. Бу Ўзбекистоннинг очиклик, амалий ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга йўналтирилган ташқи сиёсат йўналиши янгиланишининг амалий натижасидир.

Сўнгги йилларда сиёсий мулоқот динамикаси сезиларли даражада ошди. Мунтазам алоқалар минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув масалалари муҳокама қилинадиган ўзаро ишонч му-

хитини яратмоқда. Ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқлилик ва ҳар бир томоннинг миллий устуворликларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ривожланаётгани алоҳида аҳамиятга эга.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда масъуллик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамкорлигида йигилиш ўтказилди. Унда “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилоятида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари қуриб чиқилди.

Депутатлар, Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда мамлакатда атмосфера ҳавосини му-

ҳофаза қилиш, унинг ифлосланиш даражасини камайтириш, аҳолининг қўлай муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аτροφлича муҳокама этилди.



«C5+1» формати:

ХАВФСИЗЛИК, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҚАТЪИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Тўртинчидан, Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиёни Жанубий Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йирик транспорт-коммуникация ҳамда энергетика лойиҳаларини амалга оширишда АҚШ билан фаол ишлашга тайёрглигини билдирди. Марказий Осиёни Жанубий Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йирик лойиҳалар минтақанинг транзит ва логистикадаги ролини кучайтиради. Бу эса иқтисодий тараққиёт ва савдо алоқаларининг кенгайишига туртки бўлади. Энергетика лойиҳалари минтақанинг энергия мустақиллигини оширади ва АҚШнинг бу соҳадаги экспертизаси ва технологияларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай йирик лойиҳалар минтақанинг геосиёсий аҳамиятини оширади ва унинг глобал иқтисодиётга интеграциясини кучайтиради. АҚШнинг бу лойиҳаларга жалб этилиши минтақанинг стратегик муҳимлигини янада тасдиқлайди.

Бешинчидан, муҳим минералларни қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, тайёр маҳсулотларни глобал етказиб бериш занжирларига киритиш учун Махсус қўмитани тузиш таклиф қилинди. Замоनावий дунёда муҳим минераллар (литий, кобальт, нодир металлар ва бошқалар) иқтисодиётнинг кўплаб тармоклари, хусусан, юқори технологиялар, “яшил” энергетика ва мудофаа саноати учун стратегик аҳамиятга эга. Марказий Осиё бу минералларга бой минтақалардан бири ҳисобланади.

Махсус қўмитанинг тузилиши минтақа мамлакатларининг соҳадаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга, геологик разведка ишларини жадаллаштиришга, қазиб олиш жараёнларини замонавий эса экологик хавфсиз усуллар билан амалга оширишга ҳамда энг муҳими, хом ашёни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради. Тайёр маҳсулотларни глобал етказиб бериш занжирларига киритиш орқали минтақа иқтисодиётининг ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига ва валюта тушумларининг кўпайишига эришилади. Бу АҚШ каби йирик истеъмолчи-

лар билан ҳамкорликни кенгайтиришга замин яратади.

Олтинчидан, минтақа қишлоқ хўжалигини Америка технологияларини жорий этган ҳолда модернизация қилиш мақсадига Минтақавий агротехнологик инновациялар шериклигини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Марказий Осиё иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта. Америка технологияларини (янги навлар, суғориш тизимлари, илгор агротехника, замонавий агрокимё ва биологик ҳимоя воситалари) жорий этиш махсуддорликни ошириш, сувдан самарали фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келади. Минтақанинг озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. АҚШнинг бу соҳадаги юқори технологиялари ва илмий-тадқиқот салоҳиятини Марказий Осиёга трансфер қилиш орқали минтақада инноваци-

таҳкамлаш “C5+1” форматининг “юмшоқ куч” салоҳиятини оширади ва сиёсий ҳамкорлик учун яхши замин яратади.

Саккизинчидан, давлатимиз раҳбари навбатдаги саммитни Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди. Самарқанд — минтақанинг тарихий ва маданий маркази ҳисобланади. Саммитнинг ушбу шаҳарда ўтказилиши Ўзбекистоннинг минтақавий интеграция жараёнларидаги етакчи ролини яна бир бор тасдиқлайди. Саммит иштирокчиларига Марказий Осиёнинг бетақрор маданий ва тарихий меросини кўрсатиш имконини беради, бу эса мулоқотнинг руҳий ва маданий жиҳатдан самарадорлигини оширади. Самарқанддек машҳур шаҳарда саммит ўтказиш минтақанинг туристик ва инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Мазкур таклифлар “C5+1” форматини сиёсий мулоқот майдонидан, иқтисодий, технологик ва маданий



сирини кучайтиришга сезиларли натижаларга эришишни мақсад қилган. Ўзбекистон АҚШ билан ҳамкорликни аллақачон фаол ривожлантирмоқда, бунда инновациялар ва энергетикага алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатда аллақачон “Schlumberger”, “Baker Hughes” ва “Air Products” компанияларининг умумий қиймати қарийб 4 миллиард долларни ташкил этувчи, газ транспорти инфратузилмасини модернизация қилиш ва тоза энергетика соҳасидаги ечимларни жорий этишга қаратилган йирик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Тошкентнинг иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасидаги қадамлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил сентябрь ойида АҚШга ташрифидан сўнг аяқол намоён бўла бошлади. Ташриф давомидаг асосий натижалардан бири “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Boeing” ўртасида 8 миллиард доллар микдоридаги 22 та “787 Dreamliner” самолётини етказиб бериш бўйича шартнома бўлди. Бу шартнома ишонч рамзи бўлди ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар сиёсий баёнотлардан реал иқтисодий шерикликка ўтаётганини намоён этди. Экспертлар таъкидлашча, авиакомпания паркиннинг янгилааниши Тошкентнинг минтақавий авиация маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди ва Европа ҳамда Шимолий Америкага тўғридан-тўғри рейслар учун йўл

очади. АҚШ учун бу Ўзбекистонда замонавий Фарб технологиялари ва стандартларининг тобора кўпроқ жорий этилаётганидан далолат берувчи сигналдир.

Оқ Ўйда ўтказилган навбатдаги саммит Ўзбекистон учун логистика, қайта тикланидиган энергия манбалари ва муҳим фойдали қазилмалар соҳасидаги ташаббусларни амалга оширишни бошлаш учун ажойиб имконият бўлди, бу соҳалар мамлакат ва минтақанинг иқтисодий салоҳиятига ҳақиқатан ҳам туртки бера олади. Таққослаш учун, Қозоғистон логистикага эътибор қаратаётган бўлса, Қирғизистон ва Тожикистон энергетика ҳамда миграция масалаларига ургу бераётган бир пайтда, Ўзбекистон шизоат билан бор имкониятларини ишга солиб, айни пайтда иқтисодий ислохотлар, технологик тараққиёт ва таълимни ривожлантиришга интиломоқда. Бу кўп қиррали стратегия расмий Тошкентга Қўшма Штатлар билан мулоқотда бутун минтақа манфаатларини ифода этиб, янада фаол роль ўйнаш имконини берапти.

Бошқа бир муҳим масала транспорт йўлакларини ривожлантириш бўлади. Ўзбекистон маршрутларни диверсификация қилиш, жумладан, Марказий Осиёни Жанубий Кавказ орқали Европа билан боғлайдиган Ўрта коридорни ривожлантириш тарафдори. АҚШнинг қўллаб-қувватлаши Ўзбекистоннинг Фарб бозорларига киришини сезиларли даражада кенгайтириши ҳамда транзит хавф-хатарларини камайтириши мумкин. Рамзий маънода, Ўзбекистон нафақат расмий Вашингтон билан, балки Европа ва Осиёдаги асосий ҳамкорлар билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлаб, кўп векторли сиёсатга содиқлигини ҳамда манфаатлар мувозанатини сақлашга йўналтирилганини тасдиқлади.

Бугун мамлакатимиз инвестициялар оқимини жалб этиш ва айни пайтда халқаро майдонда ўз мавқеини мустаҳкамлашдек улкан имконият оstonасида турибди. Агар илгари Америка сиёсатида асосий эътибор терроризмга қарши кураш ва қатъий хавфсизлик масалаларига қаратилган бўлса, эндиликда, Президент Трамп даврида, эътибор бизнесга қаратилмоқда. Ва бу ҳам Ўзбекистон, ҳам АҚШ нуктаи назаридан мантикийдир.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда масъуллиқ

Айтилганидек, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш, ифлос-ланганининг олдини олиш, зарарли моддалар чикарилишини камайтириш, давлат органлари, корхоналар ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш борасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Жорий йил 3 мартда Президентимиз томонидан имзоланган тегишли қонун билан эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритилди. Унга кўра, қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Ўрганишларга кўра, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”-ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш бўйича мажбурийятларга риоя қилиниши ҳолати юзасидан давлат экологик назорати тадбирлари ўтказилган. Ишлаб чиқариш корхонасининг манбаларидан атмосфера ҳавосини таҳлил этувчи асбоб-ускуналар ёрдамида ўлчов ишлари олиб борилган. Шунингдек, атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганлик учун саноат ишлаб чиқариш корхоналари томонидан компенсация тўловлари амалга оширилган. Атроф-муҳитга таъсир кўрсатуви қатор корхоналарда чанг-газ тозалаш ускуналари модернизация қилинган.

Депутатлар амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам мавжудлигига тўғхталиб ўтди. Хусусан, атмосфера ҳавосига таъсир кўрсатувчи манбалардан чиқадиган ташламаларни таҳлил қилувчи автоматик мониторинг станцияларини ўрнатиш, корхоналарга қарашли объектлар теваарагида “яшил” санитария-муҳофаза зоналарини барпо этиш бўйича ишларни жадаллаштириш лозимлиги айтилди.

Яқунда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Айрим нормалар депутатлар таклифлари асосида такомиллаштирилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ ййгилиши ўтказилди.

Қонун лойиҳаси билан нодавлат суд экспертларининг ҳуқуқий мақоми белгиланиб, илмий муассаса (ташкilot)ларнинг ўз йўналиши бўйича суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилмоқда.

Ишчи гуруҳ ййгилишида қонун лойиҳасидаги нормалар депутатлар берган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Хусусан, суд-экспертлик тузилмалари сифатида давлат суд экспертиза муассасаси, нодавлат суд экспертиза ташкилоти, суд-экспертлик бюроси, ўз фаолият йўналиши бўйича суд-экспертлик фаолиятини амалга оширувчи илмий ва олий таълим ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаш мақсадида аниқлаштирувчи нормалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари қайта кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасининг асосий тушунчалари акс эттирилган моддада зарурати мавжуд бўлмаган айрим тушунчалар, яъни валидация, суд экспертнинг аттестацияси ва суд экспертларининг давлат реестри каби тушунчалар чиқарилиб, алоҳида моддада батафсил ёрипти берилди.

Бундан ташқари, янги ташкил этилаётган институт, яъни Суд экспертлари палатасининг вазифалари янада аниқлаштирилди. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган нормалар такомиллаштирилди.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Юксак ишончнинг ёрқин ифодаси

Бугун ана шундай халқаро тадбир ўтаётган Самарқанд эса турли маданиятлар туташган чоррахга бўлса, Ўзбекистон ушбу мероснинг сақловчиси-дир. Қадимий ипак йўлининг Фарбий Европа ва Шарқий Осиёни туташтирувчи чоррахасида жойлашган Самарқанд минг йиллар давомида товарлар, ғоялар ва маданиятлар алмашинуви учун учрашув жойи бўлиб хизмат қилган.

Сўнгги йилларда Самарқандда амалга оширилган “Боқий шаҳар” меъморий ансамбли каби йирик бунёдкорлик лойиҳалари худуднинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда туристик имкониятларини янада кенгайтирди. Жорий йилнинг ўзида бу ерда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи — Марказий Осиё саммити, Самарқанд халқаро иқлим форуми, БМТнинг Давлат хизмати форуми, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ICESCO) ййгилиши ҳамда айни кўнларда бўлиб ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси бунинг яққол далилидир.

Сессиянинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун катта аҳамият касб этади. Бу ташаббуслар илмий-технологик тараққиётимизга, жамиятдаги тенглик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, Президентимизнинг “ҳар бир болага тенг имконият” ғояси ижтимоий адолатнинг замонавий тақлини саналади. Бу ташаббус ЮНЕСКОнинг таълимда инклюзивлик ва барча унун тенг шароит яратиш концепцияси билан чамбарчас боғлиқ. “Сунъий интеллект — мактаб” лойиҳаси ва Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро анжуман ташкил этиш таклифлари Ўзбекистоннинг фан ва технология соҳасида жаҳон илмий жамоасига тенг қадам қўйиш ниятини намоён қилиб, келажақда мамлакатимизни таълим ва инновациялар марказларидан бирига



айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шу билан бирга, дунё халқларининг маданий меросини асраб-авайлаш, “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантириш ва “Хужжатли мерос халқаро кўни”ни таъсис этиш ҳақидаги ташаббуслар “рақамли маданият” даврида миллий меросни ривожлантириш имконини беради. Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш таклифини аёллар салоҳиятини жамият ривожи учун стратегик ресурс сифатида баҳолашнинг аяққол ифодаси дейиш мумкин. Бу ташаббус нафақат гендер тенглигини таъминлайди, балки таълим, фан ва санъат соҳаларида хотин-қизларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини очиб берувчи глобал платформа бўлиб хизмат қилади. Самарқандда ўтказиш таклиф этилган Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форум мамлакатимизнинг муассаладаги етакчи позициясини мустаҳкамлайди.

Қадимдан илм-маърифат, маданият, маънавият юксак қадр топан кўна кентда ўтаётган нуфузли анжуманда муҳокама қилинаётган масалалар ва уларнинг ечимига доир таклиф ҳамда ташаббуслар бутун инсониятнинг маънавий бирлиги, маданий ва илмий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда янги тарихий саҳифа очилишга шубҳа йўқ.

Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Ўзaro манфаатдорлик, барқарор динамика ва қўшма имкониятлар сари

Иқтисодий соҳада АҚШ компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларда иштироки кенгаймоқда. Ахборот технологиялари, қайта тикланувчи энергия, агросаноат комплекси ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларидаги қўшма дастурлар фаол муҳокама қилинмоқда. Қўшма Штатларнинг етакчи молия институтлари билан шериклик алоқалари инвестицияларни жалб қилиш ва замонавий бошқарув амалиётларини жорий этиш учун қўлай шарт-шароит яратмоқда.

Таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Талабалар алмашинуви, мутахассислар тайёрлаш дастурлари ва қўшма тадқиқот лойиҳалари сони кўпаймоқда. Америка университетлари Ўзбекистон олий ўқув юр்தларининг академик мобиллик дастурларини амалга ошириш ва инновацион ўқитиш услубларини жорий этишдаги асосий ҳамкорига айланоқда. Бу глобал жараёнларда ўзига ишонч билан ҳаракат қила оладиган янги авлод мутахассисларини тайёрлашда муҳим ўрин тутаяпти.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу йўналишлардаги конструктив мулоқот минтақавий тинчликни мустаҳкамлаш ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қияпти. Буларнинг барчаси Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ҳозирги босқичи ўзaro манфаатдорлик, бар-

қарор динамика ва қўшма имкониятларни кенгайтириш истаги билан тавсифланишини кўрсатади. Ушбу ҳамкорлик вектори минтақанинг тинч ва илдам ривожланиши учун муҳим омил бўлаётир.

Бу тенденциялар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида ўз аксини топди. Ушбу мулоқот Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигини изчил мустаҳкамлашнинг мантикий давоми бўлди.

Музокараларнинг муҳим жиҳати глобал ва минтақавий хавфсизлик масалалари, жумладан, Марказий Осиё ва Қўшма Штатларнинг “C5+1” форматидagi ўзaro ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилдан иборат бўлди. Айнан шу кунли Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг ушбу форматдаги саммитида иштирок этди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти раислигида бўлиб ўтган саммит минтақанинг барча мамлакатлари раҳбарларини жамлади. Учрашувнинг ўзига хос мухити Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти ошиб бораётганини ва барқарор ҳамкорлик механизмларини шакллантиришга интилишини тасдиқлади.

Мамлакатимиз етакчиси саммитни ташкил этгани учун АҚШ томонига миннатдорлик билдириб, ўтган ўн йил давомида “C5+1” формати минтақа дав-

Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

Ўзбекистон Ҳукумати билан Озарбайжон Ҳукумати ўртасида клонланган, ўғирланган, йўқолган ва жинойт фаолияти билан боғлиқ мобилъ қурилмалар бўйича ахборот алмашинувини ташкил этиш тўғрисидаги битим тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ РЕАЛЛИК ВА АНИҚ НАТИЖАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи ва “C5+1” саммитдаги иштироки яқунлари ҳақида хорижий экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Дунё нигоҳи

Антонио АЛОНСО, Сан Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис (Испания):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи нафақат Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари, балки Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик тизимини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Унда расмий Тошкентнинг ўзаро англашув, очикликни мустаҳкамлаш, глобал ва минтақавий муаммоларга биргаликда ечим топишга қаратилган фаол ва изчил таъкидлари акс этган.

Ўзбекистон ва АҚШ ташаббуси билан йўлга қўйилган “C5+1” формати минтақа мамлакатларини умумий мақсадлар — барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсиш, хавфсизлик ва экологияни мустаҳкамлаш йўлида бирлаштирувчи самарали мулоқот воситасига айланди. Йилдан-йилга ушбу формат тобора кўпроқ институционал етукликни намойиш қилмоқда.

Ўзбекистоннинг “C5+1” доирасидаги фаол роли алоҳида эътирофга лойиқ. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу формат тизимли тус олди: виртуал котибият ташкил этилди, савдо, инвестициялар, инновациялар ва таълимни ривожлантириш бўйича кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Расмий Тошкент томонидан нафақат гоёлар, балки уларни амалга оширишнинг аниқ амалий механизмлари ҳам тақдир қилинмоқда. Бу масъулият, прагматизм ва узоқ муддатли натижаларга асосланган янги дипломатик маданиятдан далолат беради.

Хикмет ЭРЕН, «EkoAvrasya» Евроосиё иқтисодий алоқалар жаамгармаси раҳбари (Туркия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифини кузатиб, расмий Тошкент жаҳон сиёсатида ўз макъеини нечоғли изчиллик ва ишонч билан мустаҳкамлаб бораётганига яна бир бор амин бўлдим. Ушбу ташриф ва “C5+1” форматидаги саммитда иштирок Марказий Осиё



ёнинг дунё билан тенгма-тенг гаплашаётганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари рақобатлашмайдиган, балки бир-бирини кучайтирадиган ягона иқтисодий макон гоёсини илгари сурмоқда. Унинг очиклик ва ишончга асосланган ёндашуви минтақавий сиёсатга янги нафас бағишлади. Бугун минтақада рақобат эмас, ҳамкорлик кайфияти сезилмоқда ва бу кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг хизмати-дир.

Дональд Трампнинг Ўзбекистон етакчисига нисбатан яқинда билдирган фикрлари алоҳида эътиборни тортди. У “X”даги санифасида “Shavkat Mirziyoyev is a man of his word” (“Shavkat Mirziyoyev — бир сўзли инсон”) деб ёзди. Бу сўзлар тезда жаҳон оммавий ахборот воситаларида тарқалди ва нафақат Ўзбекистон Президентини шахсиятини эътироф этиш, балки у амалга ошираётган иш-хотларга ишонч рамзига айланди. Анқарадаги кўпчилик учун бу Ўзбекистон Фарб учун ишончли ҳамкорга айланиб бораётганининг тасдиғи бўлди.

Сиёсий нуқтаи назардан Вашингтонга ташриф “C5+1” формати тобора мазмунли бўлиб бораётганини кўрсатди. Учрашувларда хавфсизлик, инвестициялар, энергетик ўтиш ва технологик шериклик масалалари муҳокама қилинди. Менимча, Ўзбекистон позициясининг кучли томони — реализм ва аниқ натижаларга йўналтирилганлигидир.

Карим ҚОСИМ, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Малайзия):

— Минтақа етакчиларининг Оқ уйдаги қабули, Президент Дональд Трамп билан икки томонлама учрашувлар — расмий Вашингтон Марказий Осиёнинг минтақавий ва халқаро нуфузи ортиб бораётганини эътироф этаётганидан далолат беради.

Концептуал жиҳатдан эса ушбу саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасида тўғридан-тўғри, халқаро алоқаларни ўрнатишга замин яратди.



Аслини олганда, ташриф сезиларли натижалар берди. АҚШ Президенти Ўзбекистон билан савдо ва сармоявий битимларнинг катта тўпламини эълон қилди. Кейинги уч йил ичида харидлар ва инвестициялар шаклида қарийб 35 миллиард АҚШ доллари ва кейинги ўн йил ичида 100 миллиард АҚШ долларидан ортқ йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Ташриф билан боғлиқ турли ишбилармонлик дастури доирасидаги учрашувлар ҳам аҳамиятга молик. Хусусан, АҚШ Халқро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) раҳбарияти билан музокараларда Тошкентда “DFC” офисини очиб ва кўшма инвестиция платформасини ишга тушириш истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, АҚШ Эксимбанки билан энергетика, муҳим фойдаланиш қазилмалар, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва АКТ соҳаларида ҳамда Ўзбекистон миллий авиация паркни модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Ташрифнинг стратегик аҳамияти кўп томонлама халқаро ҳамкорлиқни фаол амалга оширишдан иборат. Саммитда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар Тошкентнинг фаол дипломатиясини намойиш қилади. Ушбу қадамлар Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган халқаро фаоллигини акс эттиради.

Ҳарлей СЕЙЕДЕН, «The American Chamber of Commerce in South China» савдо палатаси президенти (Хитой):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташрифи Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатларни мустаҳкамлаш, икки томонлама ва минтақавий шерикликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасидаги изчил ва стратегик ёндашувини намойиш этади.

Ҳамкорликнинг аниқ, кўп сармоя талаб қилмаган ва технологик соҳаларига уруғ берилаётгани эътиборига лойиқ. “Boeing”, “Google”,



“Meta”, “John Deere”, “Cargill”, “Honeywell” каби етакчи компанияларнинг иштироки Ўзбекистон инвестиция муҳитига бўлган кучли ишонч белгисидир. Имзоланган битимлар хомашё экспорти билан чекланиб қолмасдан, ҳамкорлиқни диверсификация қиладиган лойиҳаларнинг кенг қамровли портфелини шакллантиради.

Умуман олганда, ташриф натижалари Ўзбекистонни АҚШнинг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкорларидан бири ва “C5+1” форматидаги минтақавий ҳамкорликнинг фаол драйвери сифатида намоён этди. Таклиф этилаётган ташаббуслар ва имзоланган битимлар Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, унинг транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш ва технологик жиҳатдан жадаллаштиришга хизмат қиладди.

Андрей ХРИЕНКО, «Вектор» халқаро стратегик тадқиқотлар институти директори (Россия):

— 2015 йил ноябрда Самарқандда иш бошлаган “C5+1” кўп томонлама ҳамкорлик платформаси 10 йилдан буён самарали фаолият юритиб келмоқда. Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ етакчиларининг Вашингтондаги бу галги саммитида ҳам жаҳон ҳамжамиятини қизқитишга кўплаб ташаббуслар илгари сурилди.

“C5+1” форматидаги турли учрашувлар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг АҚШ Президенти, Конгресс Сенати ва Вакиллар палатаси вакиллари, ҳукумат ва бизнес етакчилари билан тўғридан-тўғри мулоқотлари Марказий Осиё минтақасининг геостратегик салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ташаббуслар Ўзбекистонда ҳам иқтисодиёт соҳаси, ҳам давлат менежменти чуқур модернизация қилинаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон” концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг долзарблиги ва ўз вақтида амалга оширилиши амалий натижалар билан тасдиқланган ҳақиқатдир.

“C5+1” форматидаги саммитда Ўзбекистон йирик лойиҳаларни амалга ошира оладиган, халқаро кун тартибидagi масалаларни муҳокама ва ҳал қилишга қодир мамлакат эканини яна бир бор исботлади.



Бунёдкорлик

Янги Корхонага Тамал Тоши Қўйилди

Фаргона туманидаги “Оқбилон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хориж инвестицияси иштирокида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу мақсадда истиқболли лойиҳа доирасида янги корхона қурилишига киришилди.

Корхонага тамал тоши қўйилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Фаргона вилояти ва туман ҳокимлиги масъуллари, хитойлик инвесторлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Бу лойиҳа экологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, арзон хомашёдан қўшимча қиймат занжири яратиш ҳамда муқобил энергия манбаларини қўлайтириш имконини беради, — дейди Фаргона тумани ҳокими ўринбосари Акбаржон Ахроров. — Бунинг учун эса ҳудудда етарли даражада қаттиқ маиший чиқинди захирасини шакллантириш имкони мавжуд. Шунингдек, лойиҳа ижроси доирасида замонавий технологиялар ўрнатиш ва юқори даромадли иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 мартдаги “Наманган ва Фаргона вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига асосан, Фаргона вилоятида 141,5 миллион доллар микдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Соғлиқни сақлаш тизими:

Янги Ўзбекистон Ислохотларига Хос ва Мос Янгиланишлар

Чунончи, давлатимиз раҳбари Президент сифатида илк бор ўтказган катта йиғилишларнинг бири ҳам айнан соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш билан боғлиқ бўлганди. Яъни Президентимиз 2017 йил 5 январь кунги тиббиёт соҳаси вакиллари билан учрашиб, тизимни такомиллаштириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берганди. Бу ўзгаришларни имкон қадар тез ва сифатли амалга ошириш кераклигини таъкидлаганди.

Ҳўш, бунга асослар нима эди? Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки чорак асрида соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим бўғини бўлган бирламчи тизимни Европа талабларига мослаштирамиз деган мақсадда қатор ишлар амалга оширилди. Бироқ бунда ривожланишдаги вазият, юртимиздаги демографик ўсиш ва соҳада собиқ тузим даврида қотиб қолган стереотиплар ҳисобга олинмагани сабаб қутулган натижага эришилмади. Ақсична, тизим ривожда турли янги муаммолар, тўсиқлар пайдо бўлди. Масалан, бирламчи тизимда акушер-гинеколог, педиатр иш ўринларининг қисқартирилиши, аёллар маслаҳатхонаси тузилмалари, болалар поликлиникала-

рининг ёпилиши профилактик ишларни ўз вақтида, самарали ташкил этиш имконини бермади. Натижада ҳудудларда турли касалликларнинг кўпайиши кузатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ана шу тузилмаларнинг барчасини қайта тиклаш, соҳани тўздан трансформация қилишга жиддий аҳамият қаратди. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислох этишга қаратилган ўнлаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича қатор йиғилиш ва видеоселекторлар ўтказилди.

Президентимиз томонидан соҳани тўздан юксалтириш мақсадида қабул қилинган ҳужжатлар, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича берилган аниқ кўрсатмалар, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси қатъий назоратга олинмоқда.

Натижада янгиланаётган Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида ҳам тўб бурилиш ва сифат ўзгаришлари рўй бера бошлади, десак, муболага эмас. Амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар аҳолининг соғлом турмуш ке-

чиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, пировардида, халқимизнинг бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлашдек эзгу мақсадларга замин яратмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати маълумотларига кўра бугунги кунда энг илғор диагностика ва даволаш усулларини туман-шаҳарлар даражасида йўлга қўйиш орқали тиббиётни аҳолига янада яқинлаш-

“Юртимизда тез тиббий ёрдам хизмати илғор хорижий тажриба ва замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида соҳада электрон бошқариш тизими ишга туширилди. Келгусида тизимни рақамлаштириш жараёни янада жадаллашади. Хусусан, 2026 йилда “103” хизматида аҳоли учун “Online-шифокор” консултациялари тизими жорий этилади. Соҳада қўлланилаётган электрон дастурлар шиfoxоналар ҳамда бирламчи тизим муассасалари билан интеграция қилинади.”



сида бажарилаётган ишлар айланиб бораётган рўёбига хизмат қилмоқда.

Ўтган қисқа даврда бу манзилларда туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари ташкил этилди. 490 та муассаса қайта тузилди, 350 та юридик макомга эга мустақил оилавий поликлиникаларга айлантирилди. “Аҳоли жон бошига кўра молиялаштириш”, аутосорсинг асосида стоматологик хизмат кўрсатиш тизимлари йўлга қўйилди. Электрон йўлланмалар ва рақамли ҳисобот механизми амалиётга татбиқ этилди. “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури амалга оширилиб, тиббиёт муассасаларида қулай шароитлар яратилди.

Натижада тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилаётган 15 та туман-шаҳарда тез тиббий ёрдам хизматиға чақирқилар сони ўтган йилдагига нисбатан қарийб 100 мингга, шиfoxоналарда даволанувчи беморлар сони эса салкам 43 минг нафарга камайишига эришилди.

Дори воситалари таъминоти яхшиланди, лаборатор текширувлар 5 турдан 34 тага, инструментал текширувлар эса 10 турдан 29 тагача оши-

рилди. 53 турдаги 7940 донa тиббий жиҳоз билан таъминлаш учун 325 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Юртимизда тез тиббий ёрдам хизмати илғор хорижий тажриба ва замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида соҳада электрон бошқариш тизими ишга туширилди.

Келгусида тизимни рақамлаштириш жараёни янада жадаллашади. Хусусан, 2026 йилда “103” хизматида аҳоли учун “Online-шифокор” консултациялари тизими жорий этилади. Соҳада қўлланилаётган электрон дастурлар шиfoxоналар ҳамда бирламчи тизим муассасалари билан интеграция қилинади.

Ихтисослашган тиббий хизмат халққа янада яқинлаштирилмоқда. Жумладан шу йилнинг ўтган даврида Республика тиббиёт марказлари фаолиятида 179 та янги ташхислаш ва 199 та даволаш усули йўлга қўйилди. Жигар ва буйракнинг кам инвазив усулдаги трансплантацияси, юрак кардиомотомияларида сунъий чап қоринча ўрнатиш (LVAD), умуртқа поғонаси диск ҳурчасини олишнинг кам инвазив жарроҳлик амалиёти, суяк кўмиги трансплантацияси, эпилепсия касаллигида миёга чип ўрнатиш шу-



лар жумласидандир.

Бу йил биринчи марта давлат тиббиёт муассасаларига робот технологиялари кириб келди ва улардан Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт марказида диагностика, даволаш ҳамда жарроҳлик амалиётларида самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Сунъий интеллект асосида бажарилаётган текширув ва муолажа турлари 43 тага етказилди. Келгусида МРТ, КТ ва рентген тасвирларини автоматик таҳлил этиш, хирургик операцияларни виртуал симуляция қилиш имкониятларини кенгайтириш, гибрид жарроҳлик амалиётлари қўлланилиши охирида сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш режалаштирилган.

Ўтаётган йилда тиббиётни рақамлаштириш ишлари бутунлай янги боқичга кўтарилди. Соҳада “DMED” ягона электрон ахборот тизими йўлга қўйилиб, бу платформага 36 млн. нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилди. Вазирликда “Рақамли соғлиқни сақлаш” маркази очилди.

Давлат тиббий сўғуртасининг янги механизмлари жорий этила бошланди. 2026 йил охиригача бу тизим республикаимизнинг барча ҳудудида тўлиқ йўлга қўйилади. Натижада аҳоли қафолатланган тиббий ёрдам ҳажми билан тўлиқ қамраб олинади. Соҳада шаффофлик таъминланади.

Сўнгги саккиз йилда тиббиётда хусусий сектор улушини ошириш, нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш ва ривожлантириш борасида кенг қўллами ишлар амалга оширилди. Натижада 2017 йилда хусусий шиfoxоналар сони қарийб 3,5 мингтани ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар сони 9 мингдан ортди. Юртимизда кўрсатилаётган барча турдаги тиббий хизматларда хусусий секторнинг улуши саккиз йил ичида 10 фоиздан 30 фоизга етди.

Албатта, қўзлаган мақсадлар катта. Соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар йўқ эмас. Уларни самарали ҳал этиш учун барча имкониятлар ишга солинади. Тиббиётни халққа яқинлаштириш, бу соҳани одамларимиз рози бўладиган тизимга айлантириш бундан кейин ҳам давлатимизнинг бош мақсади бўлиб қолади. Натижада Ўзбекистон яқин истиқболда минтақадаги юқори технология тиббиёт хабиға айлантирилиши.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

A black quadcopter drone with red and white markings is flying in the upper left portion of the frame. Below it, a large, dense crowd of people is gathered, many wearing white shirts. In the background, there are green trees and a red structure, possibly a stage or a building. The scene appears to be an outdoor gathering or protest.



Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6



Маҳалла ижтимоий ходими Феруза Самадованинг билдиришича, ёшлигидан ногиронлиги бўлган буюм ҳаётиртинчи уйда таълим олган. Сўнгра тикувчиликни ўрганган.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 таблон. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6